

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА
РЕСУРСТЕЖАМКОР
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЯРАТИШ
ВА УЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА
ЖОРИЙ ЭТИШ**


2014 йил 20-21 ноябрь

I қисм

**СОЗДАНИЕ ЭНЕРГОСБЕРЕГАЮЩИХ
ТЕХНОЛОГИЙ В СЕЛЬСКОМ
ХОЗЯЙСТВЕ И ВНЕДРЕНИЕ
ИХ В ПРОИЗВОДСТВО**

20-21 ноябрь 2014 года

I часть



вазифани амалга ошириш учун мавжуд ҳудудда Хасанов Ш.Т. ва Боймурадова И. лар илмий тақлифларига қўшилган ҳолда “Учқора” агрокластерларини яратиш орқали кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Табиий танлов асосида яратилган узум ва майиз навининг қадимий шухратини тиклаш учун кишлокни ўзида қўшма корхона ташкил этиш; 8) Оилавий тадбиркорликни ривож-лантириш ва такомиллаштиришга, уларнинг узум ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиш хизматлари фаолиятини деверсификация қилиш; 9) Узумчиликда ҳудудлар аҳолиси бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналишларини маънавий ва молиявий қўллаб-қувватлашни доимий равишда амалга ошириш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.1992, янги таҳрирда. Т. 2014 й.
2. Каримов И.А. “Юксак маънавият-енгилмас куч” номли асари. Тошкент, “Маънавият”-2010,70-бет.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони. Тошкент шаҳри, 2012 йил 18 июль кuni чиқди, 8 та банддан иборат.

УДК:321.924.3

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ

Саидмуродов М., Аbruев А., Абдурахмонова А.

Аннотация: Республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишлар, келажақда улар фаолиятини янада такомиллаштириши, уларда янги ёш авлоднинг ўрни, янги иш жойларини очилиши, айрим хорижий мамлакатлар тажрибалари ва уларни ўзимизда қўллаш имкониятлари йўналишидаги илмий-амалий хулоса ва тақлифлар берилган.

Калит сўзлар: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, кишлок хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариши, инновацион технологиялар.

Кириш. Мустақилликнинг давтлабки кунлариданоқ Президентимиз томонидан хусусий мулкчиликни ривожлантириш, кичик бизнесга ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодий, сиёсий маънавий ва маданий қийинчиликларга қарамасдан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда қисқа даврда юқори натижаларга эришилди. Бу соҳада фақатгина 2013 йилнинг ўзида юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъектлари иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 минггага етди. 2013 йилда кичик корхоналар, микрофирмалар ва якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 480 мингдан ортиқ, касаначиликни кенгайтириш ҳисобидан эса 210 мингдан зиёдроқ иш ўрни ташкил этилган.

Ана шу рақамлардан кўриниб турибдики, кичик бизнес шаклан кичик бўлишига қарамасдан, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда тобора катта роль ўйнамоқда.

Соҳадаги субъектлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишида, улар фаолиятини янада такомиллаштириш, янги иш жойларини очилиши, вояга етаётган ёшларимизни тадбиркорликдаги ўрни ва хорижий мамлакатлар тажрибалари, импортбоп товарлар ишлаб чиқариш ҳамда экспорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳаллий тадбиркорларнинг фаолиятига қўшимча инновацион ғоялар билан тармоқ самарадорлигини ошириб бориш келажақда ўз самарасини беради.

Ўтган яқин ўтмишимизга назар ташласак, мамлакатимизда демократик бозор муносабатларини чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш мамлакатимизда ҳукм сураётган иқтисодий-молиявий барқарорликнинг амалдаги

ифодасидир.

Бироқ бугунги тезкор давр ҳар бир соҳада, жумладан, иқтисодиёт йўналишида тинимсиз изланиш зарурлигини тақозо этмоқда. Президентимиз Ислом Каримов таъбирлари билан айтганда: «... кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кўзга яққол ташланиб турган афзалликлари ва катта имкониятлари ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Лекин, бугунги кунда бу соҳада ҳали ишга солинмаган жуда катта салоҳият ва имкониятлар мавжуд эканини, дунёдаги тараққий топган давлатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ялпи ички маҳсулот ҳажмида етакчи ва ҳал қилувчи ўринни эгаллаётганини инобатга оладиган бўлсак, бу йўналишда қиладиган ишларимиз нақадар кўплиги аён бўлади».

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда мавжуд имтиёзлар. Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича қулай ишбилармонлик муҳити ҳамда ишончли ҳуқуқий кафолатларни шакллантириш борасида изчил ва кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида хусусий секторнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 55,8 фоизга етди. Худудларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 70 фоизидан ортиғи кичик бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келаётгани соҳанинг нечоғли улкан имкониятларга эга эканидан яққол далолат бериб турибди.

Сир эмаски, мамлакатимизнинг барча худудларида ёшлар иштирокида тадбиркорликни рағбатлантиришга қаратилган имтиёзларни ёшларга кенгроқ тушунтириш борасида ҳам тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Ўтган 2013 йилда 500 минг касб-хунар коллеж битирувчилари тўлиқ иш билан таъминланди, улар томонидан 140 миллиард сўмдан зиёдроқ имтиёзли кредитлар ажратилди. Бундан ташқари корхонада 50% дан кўп хотин қизларнинг фаолият кўрсатиши уларнинг солиқ тўловларидан озод этилиши имтиёзлари ҳам мавжуддир.

Шунинингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга умумий солиқ тўлови 6% дан 5% (фоиз)га имтиёзли равишда давлат томонидан пасайтирилди.

Демак, мамлакатимиз минтақаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи корхоналарга алоҳида эътибор қаратиш, уларда ёш ишбилармон-менежерлар салмоғини ошириш, бу жараён янги инновациялар, ташаббускорликни етаклаб келишини англаб етиш, айти шу асосда иқтисодий ривожланишни таъминлашга эришиш муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, минтақалардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланадиган корхона раҳбарлари фан ва техника соҳасидаги энг сўнгги инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий этишлари долзарб вазибалардан бири ҳисобланади.

Ҳар бир давр ёшларининг билим даражаси, фикрлаши, дунёқараши, маънавий қиёфасига қараб ўша жамиятнинг эртанги кунини аниқ тасаввур этиш мумкин. Зеро, ёшлар жамиятнинг туб негизи, аҳолининг илғор қатлами, келажакнинг ишончли эгаларидир. Бозор муносабатларига ўтиш даврида устувор ҳисобланган давлат илмий-техника сиёсатининг моҳияти республика ички талабини тез қондирадиган, жаҳон бозорида рақобатбардош бўла оладиган, иқтисодиёт тармоқлари тубдан янгиланишига имкон берадиган илмий ва технологик тадқиқотларга кўмаклашишдан иборат.

Хулоса: Янги ўсиб келаётган авлодни кичик ва ўрта бизнесга кенг жалб этиш орқали ишлаб чиқариш жараёнини янада модернизациялаш, жумладан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификацияларш имкониятларини очиб беради. Ёшларга ишонч билан ЯИМ мизни қарийб 70% ини ташкил этиб келаётган кичик ва ўрта бизнесни салмоғини янада ошириш, бу орқали аҳоли турмуш даражасини янада кўтаришга эришиш мумкин. Бунда давлат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожланишига қаратилган куйидаги чора-тадбирларга алоҳида эътиборини қаратиши лозим:

Таклифларимиз:

- Ёш авлодга замонавий усулларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кириш, ишни ташкил этиш ва юритишда хориж тажрибалари асосида менежерлик сирларини ўқитиш бўйича имтиёзлар асосида ўқитишни ташкил этиш ва уларни оёққа кўйишда давлат томонидан имкониятини кенгайтириш; ёшларни чет эллардаги самарали фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (SME) корхоналарига давлат томонидан хизмат сафарга жўнатиш ва малакасини ошириш;

- ёшлар орқали кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун зарур ва қулай бўлган ташкилий, ҳуқуқий, молиявий механизм ва шароитларни яратиб бериш;
- давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан ёшларнинг ўз бизнесини бошлаши учун мақсадли кредитлар ажратишда ички ва ташқи инвесторларга бириктириш;
- ёшлар ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш орқали ўрта синфни шакллантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган зарур ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни замон талаблари асосида янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.1992, янги таҳрирда. Т. 2012.
2. Каримов И.А. “Ўзбекистон эришган ютуқ ва марралар- биз танлаган ислоҳотлар йўлининг тасдиғидир”. Тошкент “Ўзбекистон”- 2014, 22-жилд, 350 б.
3. Каримов И.А. “Юксак маънавият-енгилмас куч” номли асари. Тошкент, “Маънавият”-2010, 370 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка яна-да кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида” Тошкент шаҳри, 2012 йил 18 июль куни чиқди, 8 та банддан иборат.
5. Муаллифларнинг илмий-амалий изланишлари натижалари, матбуот, телевидения, радио ва шу соҳанинг ихлосмандлари билан уюштирилган суҳбатлар.
6. Интернет маълумотлари:
www.eco.uz, www.stat.uz, www.agro.uz, www.iptd-uzbekistan.uz

УДК:635

САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Тағаев А.С., Шербекоев А.А.

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

Мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Иқтисодиётнинг изчил ва барқарор ривожланишини таъминлашда келгуси давр учун пухта ва ҳар томонлама асосланган чора-тадбирлар, муҳим вазифа ва йўналишлар, турли даражалардаги иқтисодий тараққиёт дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва аниқ белгилаб олиниши муваффақият гарови ҳисобланади.

Айни пайтда, мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалик соҳасида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар самараси туфайли сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва уни қайта ишлаш корхоналарининг фаолияти ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Бунда Республикаимизда сабзавот етиштиришни ҳамда қайта ишлаш саноатини янада жадал ривожланишини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 октябр «Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони муҳим аҳамиятга эга. Ушбу фармонларда кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш мамлакатимизда сабзавот етиштириш ва уни комплекс қайта ривожлантириш, унинг самарадорлиги ва сифатини янада ошириш, шунингдек экспорт базасини яратишга имкон беради.

Мамлакатимизда сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ажратилган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги ишлар ўз ижобий натижасини бераёпти. Бунинг натижасида 2013 йилда 8 миллион 400 минг тонна сабзавот етиштирилди. Маълумки аҳолининг озиқ овқатга бўлган талабини қондиришда сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш муҳим ўринда туради, бу тармоқ аҳолини витаминларга бой, экологик тоза, янги узилган сабзавот маҳсулотлари, саноат корхоналарини эса хом ашё билан таъминлаш имконини беради.

Самарқанд мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида ўз ўрнига эга вилоят бўлиб, жами 401 минг гектар ерга деҳқончилик қилади, шундан сабзавот экин майдони 27036 гектарни

МУНДАРИЖА

КИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИ СЕЛЕКЦИЯСИ ВА УРУҒЧИЛИГИ, ТУПРОҚШУНОСЛИК, ДЕХҚОНЧИЛИК ВА МЕЛИОРАЦИЯ АСОСЛАРИ, АГРОКИМЁ ВА ЎСИМЛИКЛАРНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ СОҲАЛАРИДАГИ ЗАМОНАВИЙ ЮТУҚЛАР

Остонакулов Т.Э., Хамзаев А.Х. Подбор сортов картофеля для получения раннего урожая.....	6
Элмуродов А.А., Абдузухуров Ж. Топинамбур нав намуналари асосида ўтказилган тадқиқотларнинг айрим кўрсаткичлар бўйича баҳолаш яқунлари.....	7
Холикулов Ш.Т., Абдумаликов Ж.Қ. Органик ва минерал чиқиндилардан тайёрланган компостларнинг тупроқдаги ҳаракатчан фосфор режимига таъсири	12
Маматкулов Т., Усаров З.И., Холдоров А.А. Арпанинг истиқболли ихтиёр ва Абу-Ғофур навлари	14
Abdulkarimov D.T., Karshiyeva U., Berdimurodova M. Makka jo'xori duragaylarining qimmatli belgi va xususiyatlarini o'rganish.....	17
Ғайбуллаев Ғ.С., Эргашев И.Т., Шерназаров М.У., Тошмухамматова Д. Жасмина навининг бирламчи уруғчилиги.....	19
Орипов Р.О., Санакулов А.Л., Бўриев А.А., Рустамов А.А. Тупроқ хоссалари ва ғўза ҳосилдорлигига кўкат ўғитларнинг таъсири.....	21
Халилов Н., Джалитов Д. Кузги бугдой ҳосилдорлиги, дон сифатига органик ва маъдан ўғитларнинг таъсири.....	23
Ҳайдаров К.Ф., Мўминов К.М. Ғўза ҳосилдорлигига ирригация эрозиясига учраган ерларда сидератлар ва суғориш техникаси элементларини таъсири.....	24
Hamdamov I.H., Suvonova G.A., Begmatova M.H. Dalachoyning shifobaxsh xususiyatlari (<i>hypericum perforatum</i>).....	27
Махматмуродов А.У., Муминов К.М. Действия и последствия различных форм и норм фосфорных удобрений на урожайность кукурузы и озимой пшеницы на эродированных типичных сероземах.....	29
Хакбердиев О.Э., Камилов Б.С., Ўдаев А.Д. Эрозияга учраган лалми тупроқларни морфологик белгилари.....	32
Ортиқов Т.Қ., Бердикулов Ш.А. Микробиологик жараёнлар ўзгаришининг тупроқ хоссаларига таъсири.....	36
Равшанов Қ., Ходжаева Н., Шерназаров Ш. Қаттиқ бугдойнинг истиқлол навини экиш ва ўғит меъёрларининг доннинг сифат кўрсаткичларига таъсири.....	39
Луков М.Қ., Ҳайитов А.Б. Мойли кунгабоқар гетерозисли дурагайларини ўстиришнинг иқтисодий самарадорлиги.....	41
Остонакулов Т.Э., Абдурахимова З. Мирзачўлнинг шўрланган тупроқ шароитида картошка навларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги.....	43
Умирзаков А., Отаярлова Г. Уруғлик учун селфия турларини етиштириш технологияси	45
Комилова М.М., Холмирзаев Б.Х., Маматов Б. Унаби уруғ кўчатларини етиштириш.....	48
Хамдамова Э.И., Холмирзаев Б.Х., Норбеков Х.Т. Истикболли унаби навларининг хўжалик ва биологик хусусиятлари.....	51
Исаков К.Т., Покровская М.Н. Лалмикор майдонларда кунгабоқарнинг озуқабоп навлари.....	54
Останова Л.С., Остонакулов Т.Э. Вирусные болезни картофеля в Зарафшанской долине.....	55
Элмуродов А.А., Халилова Л. Кузги бугдой етиштиришда ресурстежамкор технологиянинг самарадорлиги.....	57
Мўминова З.К., Мўминов К.М. Ирригация эрозиясига учраган бўз тупроқлар унумдорлиги ва кузги бугдой ҳосилдорлигини ошириш омиллари.....	59

Зубайдуллаев А., Ахмедов Ш. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишнинг иқтисодий аҳамияти.....	291
Саламов И., Жонибеков Ф., Саломов Д. Узумчилик тармоқларида сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорликка эришиш имкониятлари.....	293
Саидмуродов М., Аbruев А., Абдурахмонова А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда замонавий ёндашув.....	296
Тағаев А.С., Шербеков А.А. Сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятлари.....	298
Саламов И., Зубайдуллаев А.А., Вахобова Ш.Б., Саломов Д. Мамлакатимиз узумчилигининг иқтисодий-молиявий ҳолатини янада яхшиланишида қўшма корхоналарнинг ўрни.....	300
Найимов Н.Қ. Мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини модернизациялаш.....	302